

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Бердиалиев, М.Зокиров	
Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик тиллари контактига алоқаси	88
Ш.Турдиматова	
Функционимлар ва уларнинг тил луғат таркибининг макроқурилмалар тизимига мансуб ҳодисалар билан ўзаро муносабати ҳақида	92
М.Эргашев	
Инглиз ва ўзбек тилларида “феълли боғланиш” лисоний категория сифатида	98
Х.Исмоилов	
Суд нутқининг социолингвистик таҳлилига доир	101

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева	
Биринчи тартибли чизиқли оддий дифференциал тенгламалар учун кўп нуқтали чегаравий масала	105
М.Аҳмедов, Х.Далиев, М.Онаркулов	
(ВIXSB1-X) 2TE3 поликристалл тензосезгир пленкаларнинг электронографик таҳлили	109
М.Ҳакимов, М.Маматкулов	
Табиий шарбат олиш учун мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган ШҚМ-18 қурилманинг амалдаги намунасини ишлаб чиқиш	112
М.Холиков	
Паразитизмнинг пайдо бўлиши ва оқибатлари	114
Ф.Адилов	
Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги маданий ҳамкорлик алоқалари (кино ва театр соҳаси мисолида)	116
Т.Тургунбаев	
Кимёвий қуролларнинг яратилиш тарихи, жанговар қўлланилиш тавсифи ва уларнинг инсон организмга таъсири	119
Э.Тажимирзаев	
Фарғона водийси қишлоқларидаги маданий муассасалар фаолияти тарихидан (кино санъати мисолида)	123
Р.Аҳмедова	
Фарғона физиотерапия институтининг ташкил топиш ва фаолияти тарихидан (1923-1950 йиллар) ...	126
В.Ишқуватов	
Ўзбекистонда маҳалланинг моҳияти ва ўзига хослиги	129
К.Пулатов	
XX аср 50-йиллар охири 60-йиллар бошида Ўзбекистонда ижтимоий ва сиёсий ҳаёт (Фарғона водийси мисолида)	132
С.Мўминов, Ш.Мўминов	
Мутолаа маданиятининг лингвокультурологик тамойиллари	135
Б.Жўраева	
«Қорамол» ЛМГи асосида шаклланган ўзбек халқ мақолларининг услубий хусусиятлари	137
М.Назирқулова	
9-синфда Фурқатнинг “Фасли навбаҳор ўлди” ғазали матни устида ишлаш	140
М.Саидқабарова	
Қиссадан ҳиссанинг ғоявий-фалсафий функциялари	144
М.Деҳқонова	
Наим Каримов ижодининг ойбекшунослик тараққиётидаги ўрни	147
Ф.Анварова	
Бошланғич синфларда инглиз тилини тинглаб тушуниш орқали ўқитиш бўйича айрим тавсиялар	151
И.Қирғизов, Ғ.Нажметдинов, А.Исмоилов	
Муסיқий таълимда аждодлар меросидан фойдаланиш амалиёти	154
Ф.Эркабаева	
Замонавий маҳобатли рангтасвир санъатида мусаввир ижодининг нафис чизгилари	156
А.Хасанов	
Ҳарбий таълим факультети талабаларининг ўқув йиғинлари даврида жисмоний машқлар билан шуғулланиш шакллари ҳамда воситаларини аниқлаш	159

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Аҳмаджон Қўшақович Ўринов	163
--	-----

БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография	166
--------------------	-----

**КИМЁВИЙ ҚУРОЛЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ, ЖАНГОВАР ҚЎЛЛАНИЛИШ
ТАВСИФИ ВА УЛАРНИНГ ИНСОН ОРГАНИЗМИГА ТАЪСИРИ**

**ИСТОРИЯ СОЗДАНИЯ ХИМИЧЕСКОГО ОРУЖИЯ, ХАРАКТЕРИСТИКА БОЕВОГО
ПРИМЕНЕНИЯ И ВЛИЯНИЕ ЕГО НА ОРГАНИЗМ ЧЕЛОВЕКА**

**THE HISTORY OF THE CREATION OF CHEMICAL WEAPONS, THE CHARACTERISTICS
OF COMBAT USE AND THE INFLUENCE OF IT ON HUMAN BODY**

Т.Тургунбаев

Аннотация

Мақолада оммавий қирғин қуролларнинг асосий турларидан бири – кимёвий қуролларнинг яратилиш тарихи, жанговар ҳаракатларда қўлланилиши ва уларнинг инсон организмига салбий таъсири тўғрисида маълумотлар берилган.

Аннотация

В статье представлена информация по одному из основных видов оружия массового поражения – химическому оружию, по истории его создания и применению в боевых условиях и негативному влиянию его на организм человека.

Annotation

This article provides information on the main types of weapons of mass destruction – chemical weapons, on the history of this creation, on its use in combat operations and on its negative impact on the human body.

Таянч сўз ва иборалар: оммавий қирғин қуроллари, кимёвий қурол, заҳарли модда, токсик, жанговар ҳаракатлар, буг, аэрозоль, Зарин, Зоман, Ви-Икс, Иприт, Цианид, Хлорциан, Фосген, Би-Зет, Си-Эс, Хлорацераатофенон, Адамсит, Террор, Конвенция.

Ключевые слова и выражения: оружие массового поражения, химическое оружие, отравляющее вещество, токсин, боевые действия, пар, аэрозоль, Зарин, Зоман, Ви-Икс, Иприт, Цианид, Хлорциан, Фосген, Би-Зет, Си-Эс, Хлорацераатофенон, Адамсит, Террор, Конвенция.

Keywords and expressions: weapons of mass destruction, chemical weapons, poisonous substance, toxins, fighting action, steam, spray can, Zarin, Zoman, Bi –X, Iprit, Diamid, Fosgen, B Z, CS, Chleraderatophenone, Adameit, Terror, Convention.

Маълумки, заҳарловчи кимёвий қуроллар оммавий қирғин қуролларининг ХХ аср бошларида яратилиши, уларнинг жанговар ҳаракатларда қўлланилиши ва тарқалиши бутун инсоният бошига тушиши эҳтимоли юқори бўлган хавф-ҳатарларга сабаб бўлиши мумкин. Бу билан огоҳлик ва хушёрликка чақирмоқчимиз. Ҳозирги глобаллашув шароитида оммавий қирғин қуролларининг тарқалиш хавфи жаҳон ҳамжамияти ўртасида хавотир уйғотаётгани, унга етарли даражада баҳо бермаслик ва бепарволик оғир оқибатларга олиб келиши таъкидланмоқда. Интернет маълумотларида, оммавий қирғин қуролларига Яксон қилувчи улкан кучга эга, нисбатан катта майдонда оммавий қирғин ва вайронагарчиликларни келтириб чиқариш учун мўлжалланган қурол” сифатида шундай таъриф берилган. Бунинг негизида барча тирик мавжудотларнинг оммавий қирғини, вайронагарчиликлар ва экологияга жиддий зарар етказилиши ётади. Оммавий қирғин қуроллари таркибига кирувчи, кимёвий (ЗМ) заҳарли моддалар

артиллерия снарядлари, ракета, мина, авиация бомбаси, газ чиқарувчи баллон тизими, газомет, граната ва тутовчи шашка шаклларида қўлланилади. Оммавий қирғин қуроллари қўлланилишидан келиб чиқиб, унга асосий турга бўлинади: кимёвий, биологик (бактериялогик) ва ядро қуроллари. Кимёвий қуролларга тўхталиб, унинг тавсифи, турлари ва жанговар қўлланилиши хусусиятлари бўйича фикр юритайлик. Токсик таркибга эга, заҳарловчи моддалардан ташкил топган оммавий қирғин қурол “кимёвий қуролдир”. Кимёвий қуролларнинг заҳарловчи моддаларининг инсон организмига таъсирига кўра олтига турга бўлинади.

Кашф этилган ажал

Биринчиси, кимёвий заҳарловчи моддалар бўлиб, Биринчи жаҳон урушида француз ва немис армияси томонидан бирига қарши қўлланилган. Бу, ўз даврида жанг олиб бориш хусусиятини тубдан ўзгартириб, улкан ҳарбий инновация

Т.Тургунбаев – ФарДУ ҳарбий таълим факультети катта ўқитувчиси.

сифатида баҳоланган.

Қисқача тарихга юзлансак:

1914 йилнинг август ойида французлар кўздан ёш оқизувчи(этилбромацетат) газини немисларга, шу йилнинг октябрида немислар кимёвий кўзғатувчи заҳарли моддаларни снарядлар орқали инглизларга қарши ажал уруғини ёғдиришган. Немис ҳарбийлари 1915 йилнинг апрелида 168 тонна хлор газни француз қўшинлари томон дарё орқали пуркаган. Француз кимёғари В.Гриньяр фосген (ЗМ) заҳарли моддани кашф этиб, уни 1915 йилдаёқ жангоҳларда қўллаган. Моғорланган пичан ҳидини таратувчи бурангсиз газ, хлорга нисбатан юқори жанговар самарадорлигини кўрсатди."Оқ юлдуз"деб номланган фосген газ снаряд портлаш натижасида оқ юлдузга ўхшаб кетади. Фосген газ билан заҳарланган аскар жангни давом эттираверган, бироқ у 24 соатдан сўнг ўлимга олиб келган. Шундай қилиб, юқорида келтирилган маълумотларга кўра, Германиянинг 1915 йилнинг апрелида Бельгиядаги Ипр шаҳри олдида хлор заҳарловчи моддани қўллаши натижасида 15 минг киши заҳарланиб, улардан 5 минг нафари ҳалок бўлган. Орадан бир ойдан сўнг, навбатдаги кимёвий ҳужумда 9 минг аскар заҳарланиб, улардан 1200 нафари жангда ҳалок бўлган.

Иккинчиси, Иккинчи жаҳон урушида Япония армиясида Император буйруғига биноан, (ЗМ) заҳарли моддани ишлаб чиқариш учун махсус бўлинма тузилган.

Япониянинг Хитойдаги Воцюй шаҳрига 1000 тага яқин авиабомба, кейинроқ эса Динян шаҳрига 2500 та кимёвий снарядни ёғдириши натижасида 50 минг киши ҳалок бўлади.

АҚШнинг Вьетнамга қарши экологик уруши **учинчи** бўлиб, тарихга муҳрланган. Маълумотларга кўра, 1963 йил бошидан ҳарбийлар Вьетнам заминига 72 миллион литр кимёвий дефолиант сепишган. Сабаби, Вьетнам ватанпарвар партизанлари қалин ўрмон шароитида жанг олиб борганлар. Экологик уруш ва кимёвий ҳужум натижасида 4,8 миллион киши жабрланди ва 140 тага яқин турдаги ҳайвон ва қушлар қирилиб кетган.

Япониянинг Токио метросида содир этилган кимёвий ҳужум тарихдан **тўртинчи** бўлиб, тарихга кирди. 1994 йилнинг июнь ойида Мацумото шаҳри кўчаларида юк машина устига буғланувчи восита ёрдамида

зарин газини тарқатиш натижасида, 200 нафарга яқин одам заҳарланиб, улардан 7 нафари вафот этади. 1995 йилнинг мартида Токио метросида террорчилар томонидан содир этилган кимёвий ҳужумда 5 минг киши заҳарланиб, улардан 12 нафари вафот этади. Кимёвий ҳужум ортида "Аум Сенрикё" диний сектаси турганлиги ва улар лаборатория шароитида табун, замон ва фосген (ЗМ) заҳарли моддалар тайёрлашгани аниқланган.

Бешинчи аянчли ҳодиса Ироқ уруши даврида тилга олинган. Маълумотларга кўра, 2004 йилда АҚШ қўшинлари кимёвий-ёндирувчи оқ фосфорни қўллашган. Бундай бомба тушган жой 150 метрлик радиусдаги тирик мавжудотни куйдириб, йўқ қилиб ташлайди. Америка томони ёндирувчи бомбани ишлатишнинг қонуний асоси борлигини исботласа - даунинг талафотини, инсонларга ва табиатга етказган зарарини иккинчи даражали, деб ҳисоблашган.

Ҳозирги замон жанги шароитларида кимёвий куруллар заҳарловчи моддаларининг инсон организмига таъсирига кўра олтита турга бўлинади. Улардан:

биринчиси, *марказий асаб тизимига таъсир қилувчи* зарин, зоман, Ви-Икс моддалари.

Бу - (ЗМ) заҳарли моддалар рангсиз ёки оч сариқ рангли суюқлик, ҳидсиз, органик модда ва сувда яхши қоришади. Сувда узоқ сақланади.

Жанговар қўлланилиши: зарин ва зоман асосан-буғ, Ви-Иксаэрозоль шаклида қўлланилади. Зарин ва зоман (ЗМ) ҳудудлардаги турғунлиги ёзда бир неча соат, қишда икки кунгача. Ви-Икс ёзда бир неча кун, қишда икки ҳафтагача. Марказий асаб тизимига таъсир қилувчи зарин, зоман, Ви-Икс (ЗМ) заҳарли моддалар инсоннинг териси ва нафас олиш органлари орқали заҳарланади. Натижада оммавий ҳалокатга олиб келади;

иккинчиси, *терида йирингларни ҳосил қилувчи* - иприт заҳарли моддаси.

Бу - (ЗМ) заҳарли модда шаффоф рангли суюқлик, горчица ёки саримсоқ пиёз ҳидини эслатади. Органик моддаларда яхши қоришади, сувда оғир қоришади. Ҳудудларда яхши сингийди.

Жанговар қўлланилиши: иприт асосан суюқ томчи ва аэрозоль шаклида қўлланилади. Иприт (ЗМ) ҳудудларда узоқ

вақт: ёзда бир неча кундан, қишда-бир нечагача хафтагача турғунлигини сақлаб қолади. (ЗМ) заҳарли модда инсонни очик юзи ва тери қисмига суюқ томчи зарарлаб оғир тузаладиган яра йиринга айланади. Ярани дастлабки яширин даври (кумулятив) ёриб чиқиш хусусиятига эга. Аэрозоль шаклидаги (ЗМ) заҳарли модда инсон нафас органлари орқали тушса ўпка ва ошқозонда қаттиқ оғриқ, қусиш ва ич кетиш ҳолатлари кузатилиди;

учинчи, умумий заҳарловчи Цианид кислотаси ва хлорциан заҳарли моддаси.

Бу - (ЗМ) заҳарли моддалар яъни, цианид кислотаси рангсиз учувчи суюқлик, аччиқ миндал ҳидини таратади. Органик моддаларда ва сувда яхши қоришади. Хлорциан-рангсиз газ.

Жанговар қўлланилиши: Цианид кислотаси ва хлорциан заҳарли моддаси-буғ шаклда қўлланилиб, худудларда ёзда-15-20 дақиқа, қишда-5соатгача сақланиб туради. Заҳарланиш организмга нафас йўллари орқали (овқатланганда, сув ичганда) сўнг хушдан кетиш, қалтироқ, шол бўлиш ва нафас олиш тўхташи билан тугайди;

тўртинчиси, буғувчи Фосген заҳарли моддаси.

Бу - (ЗМ) заҳарли модда рангсиз газ бўлиб, ундан чириётган олма ва моғорлаган пичан ҳиди таралади. Фосген буғи ҳаводан 3,5 баробар оғир бўлганлиги учун ертўла, чуқурликларда ва хандакларда кўп миқдордаги концентрацияси “ўтириб” қолади. Заҳарланиш организмга нафас йўллари орқали ўпка фаолиятини тўхтатади. Фосген (ЗМ) заҳарли моддасини организмдаги яширин даври 2-соатдан, 12-соатгача (кумулятив) ёриб чиқиш хусусиятига эга;

бешинчиси, психокимёвий таъсир кўрсатувчи Би-Зет заҳарли моддаси.

Бу - (ЗМ) заҳарли модда қаттиқ кристалл модда, ҳидсиз, сувда қоришмайди.

Жанговар қўлланилиши: аэрозоль.

Заҳарли модда марказий асаб тизимига таъсир кўрсатиб, вақтинчалик руҳий тушкунлик, қўш кўриниш, кўрқув, карахт ва шол қилиб, инсонларни жисмоний имкониятларини чеклаб, сафдан чиқаради. Заҳарланиш организмга нафас йўллари орқали 0,5-3 соатдан (доза миқдорига) караб, 2-4 кунгача сақланиши мумкин;

олтинчиси, Си-Эс, Хлорацератофенон ва Адамсит қўзғатувчи моддалари.

Бу - моддалар кўздан ёш оқизувчи ва нафас йўллари қичитувчи хусусиятларга эга.

Жанговар қўлланилиши: аэрозоль.

Си-Эс рангсиз, қаттиқ кристалл модда ундан қалампир хиди таралади.

Заҳарланиш организмга кўз ва нафас олиш йўллари кўзғатади. Юқори дозада инсон тери қисмини куйдиради баъзи ҳолатларда нафас олиш тизимини тўхтатади.

Хлорацератофенон рангсиз, қаттиқ кристалл модда бўлиб, ундан черемуха ҳиди келади. Бу - (ЗМ) заҳарли модда инсонни кўздан кучли ёш оқизиш, кўрқув ва қалтироқ босиш хусусиятлари келтириб чиқаради.

Адамсит очик сариқ ва тўқ зангори рангли-қаттиқ кристалл модда, ҳидсиз.

(ЗМ) заҳарли модда инсонни нафас олиш тизимига тушгандан сўнг, қисқа яширин (20-30сония) даврда бурун ва оғиз бўшлиғида кучли қичитиш орқали кўкрак қафасида оғриқ, қуруқ йўтал, чучқуриш ва қусиш аломатларига олиб келади.

Кимёвий қуроолларга қарши конвенция.

Кимёвий қуроолларга қарши ҳаракатлар 1968 йилдан бошланган.

1992 йилда БМТ Бош Ассамблеяси конвенция қабул қилди.

1992 йилнинг 29 апрелида 69та аъзо давлат Венгрияда ҳужжатни ратификация қилгандан сўнг, конвенция кучга кирган.

2010 йилларнинг бошларида дунёда кимёвий қурооллар заҳираси 30308 тоннани ташкил қилган.

1997 йилда “Кимёвий қуроолларни таъқиқлаш” тўғрисидаги конвенция кучга киргандан сўнг, кимёвий қурооллар заҳираси бир мунча қисқарди.

2005 йилда кимёвий қуроолларнинг миқдори 71373 тоннани ташкил этган. Маъзкур конвенция шарофати билан кимёвий қурооллар заҳираси 60 фоизга яқини йўқ қилинди.

2010 йилнинг августида “Кимёвий қуроолларни таъқиқлаш” тўғрисидаги конвенцияга 188 та давлат аъзо бўлган.

Бепарво бўлмалик.

1978 йилда фаластинлик террорчи гуруҳлари Европага Исроилдан келтирилган апельсини симоб билан заҳарлаганлар. Филлипин, Цейлон давлатларида ҳам шунга ўхшаш кимёвий моддалар ёрдамида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларига зарарлаш

ҳолатлари кузатилган. Бу ўз навбатида, фирма ва давлатга иқтисодий зарар этказишга уринишлар бўлган. Бундай ҳолатлар Европадаги Германия, Австрия, Кипр ва Буюк Британия давлатларида ҳам кузатилган.

1988 йилда Чилидан Европага юборилган узумнинг цианид билан заҳарланганлиги аниқланган. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, шиддат билан ўзгарувчан ҳозирги даврда, янгидан-янги таҳдидлар ва ҳатарлар тобора кучайиб бормоқда.

Мамлакатимизда бундай таҳдидларга қарши чора ва тадбирлар кўрилмоқда. Мисол ўрнида, Ўзбекистон

Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунда радиоактив, биологик, портловчи, кимёвий заҳарли моддаларни ишлатиш ёки уларни қўллаш орқали кўрқитиш террорчилик ҳаракати ҳисобланишини белгилайди.

Ҳар қандай тажовуз ва таҳдидлар, юз бераётган зиддиятлар ва қарама-қаршилиқлар биздан олисда деган фикрдан йироқда бўлишимиз, лоқайд, бепарво бўлмаслигимиз керак. Тинч ва осойишта ҳаётимизни қадрига етиб, ташқаридан кириб келаётган таҳдид ва хатарнинг салбий таъсирини ўз вақтида англаш ва улардан тўғри ҳулоса чиқариш ҳозирги замон талабидир.

Адабиётлар:

1. Ватанпарвар газетаси – Т., 2013 й. 13.04.
2. Подготовка офицеров запаса Сухопутных войск – Военное издательство, 1989.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор).